

## ПРОБАЦИЯ ХИЗМАТИНИНГ НАЗОРАТДАГИ ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР

**С.А. Саидова**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноятчиликка қарши курашиш  
фаолияти факультети катта ўқитувчи-методисти*

**Аннотация.** *Мақолада мамлакатимизда пробация хизмати фаолияти ташкил этилиши зарурияти, ташкил этиш асослари ҳамда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинган.*

**Таянч сўзлар:** *пробация, ижтимоий мослаштириш, маҳкум, тенденциялари, пробация хизматининг назоратдаги шахслар билан ишлаш фаолияти ташкил этишдаги мавжуд муаммолар.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев та'кидлаганидек, “Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ – қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият”<sup>31</sup>. Шу нуқтаи назаридан, мамлакатимизда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиш ҳамда қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор вазифаларидан биридир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрда қабул қилинган “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон қарорининг қабул қилиниши муҳим омил бўлиб хизмат қилди<sup>32</sup>. Сабаби ушбу қарорга асосан замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш бўйича пробация хизмати фаолияти йўлга қўйилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Пробация хизмати ҳақида: “Билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолган ва жазони ўтаётган фуқароларнинг ижтимоий мослашувини, соғлом ҳаётга қайтишини таъминлашда ҳам ички ишлар органларининг ўрни ва роли ортиб бормоқда. Бу йўналишда илгариги “жазони ижро

<sup>31</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/5774> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 03.04.2024).

<sup>32</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4006-сон қарори // <https://lex.uz/docs/4045443> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 03.04.2024).

этиш инспекцияси” ўрнига “Пробация хизмати”ни ташкил этдик<sup>33</sup>. Ушбу хизмат маҳкумларни зарур касб-хунарларга ўқитиш ва тайёрлаш, ишга жойлаштириш, уларни хусусий тадбиркорликка жалб этиш, энг асосийси, иш берувчилар томонидан уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишида яқиндан ёрдам кўрсатмоқда” деб таъкидлаган эди.

Ҳақиқатдан ҳам, Пробация хизматига суд қарорларини ижро этиш, профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан бирга назоратдаги шахсларни шахсини ўрганиш уларни ижтимоий мослаштиришда жамоатчилик ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилганлиги инсон қадрини улуғлашга хизмат қилмоқда.

Бироқ, амалга оширилаётган ижобий ишлар қаторида камчиликлар ҳам учраб турганлиги ислохотларнинг етарлича амалиётга тадбиқ этилмаганлигидан далолат бермоқда.

Жумладан, Пробация хизматининг назоратдаги шахслар билан ишлашдаги асосий фаолиятларидан бири назоратдаги **шахсларни ахлоқан тузатиш ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш** ҳисобланади. Бунинг амалга ошириш имконияти бўлмаган тақдирдагина охириги зарурат сифатида унинг жазо турини бошқа оғирроқ жазо турига алмаштириш чорасини кўради.

Амалиёт таҳлили бу борадаги рақамлар йил сайин ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, жазоси оғирроғига алмаштирилган шахслар 2019 йилда 6,4 фоизни (*шундан, ЖИЭМдан 2,4 %, суд залидан 4,0% ҳисобга олинганлари*), 2020 йилда 6,6 фоизни (*шундан, ЖИЭМдан 2,6%, суд залидан 4,2% ҳисобга олинганлари*), 2021 йилда 8,8 фоизни (*шундан, ЖИЭМдан 3,0%, суд залидан 5,8% ҳисобга олинганлари*), 2022 йилда 9,1 фоизни (*шундан, ЖИЭМдан 6,3%, суд залидан 2,8% ҳисобга олинганлари*) ташкил этмоқда<sup>34</sup>.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка жазоси енгилроғи билан алмаштирилиб пробация хизмати ҳисобига олинган шахсларнинг тақдоран муассасага қайтиш кўрсаткичи ортиб бормоқда. Бу эса фикримизча, амалиётчи ходимлар назарида маҳкумни жамиятдан ажратиш ахлоқан тузатишнинг энг самарали воситаси сифатида кўрилаётганлидан далолат бермоқда

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасига кўра, маҳкумни ахлоқан тузатишнинг **асосий воситалари**, бу жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби, ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва хунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири киради<sup>35</sup>.

Бизнингча айнан ушбу воситаларга кўпроқ эътибор қаратишимиз пробация хизматига қўйилган вазифаларга эришишимизга сабаб бўлади. Бу борада бир қанча

<sup>33</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 октябрь кундаги 25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари кунини муносабати билан йўллаган табриги // URL:<https://president.uz/uz/lists/view/3913> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 03.04.2024).

<sup>34</sup> Пробация хизмати маълумоти.

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси // <https://lex.uz/docs/111453> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 03.04.2024).

олимлар хусусан, О.В. Васильченко, В.Н. Гончаров, В.А. Отавина, З.С. Спесивцева ва бошқалар ҳам этироф этган.

Юқоридаги муаммони ечими сифатида куйидагиларни таклиф қиламиз:

*Биринчидан*, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 февралдаги 84-сонли қарорининг<sup>36</sup> **“Пробация бўлинмалари назорати остидаги шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича вазирликлар ва идораларнинг ҳамкорликдаги фаолияти”** иловасидаги маҳкумларни ижтимоий мослаштириш йўналишидаги вазирликлар ва идораларнинг ижтимоий мослаштиришда ижро этиш механизмларини тартибга солиш;

*Иккинчидан*, жамоатчилик билан бевосита мулоқот натижалари асосида пробация хизмати назоратдаги шахсларнинг хулқ-атвори устидан самарали назоратни амалга ошириш бўйича **ҳуқуқий механизмларни** тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгилаб олиш;

*Учинчидан*, маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари бири бўлган ижтимоий фойдали меҳнат маҳкумларни ахлоқан тузатишда ва тарбиялашда муҳим омил саналади. Ижтимоий фойдали меҳнатнинг маҳкумларга ахлоқан тузатувчи ва тарбияловчи таъсир кўрсатишида ва маҳкумларда меҳнатга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантиришда Пробация хизмат ходимлари маҳкумларни **ижтимоий мазмунга эга бўлган меҳнатларга** кўпроқ жалб этиши;

*Тўртинчидан*, Пробация хизмати маҳкумларни ахлоқан тузатиш жараёнига бир қатор **замонавий ижтимоий-педагогик воситаларини** жорий қилиш, пробация бўлинмаларининг **тарбиявий-тузатиш салоҳиятини** янада кучайтириш ва нодавлат нотижорат ташкилотлар таъсир кучи ва имкониятларидан фаол равишда маҳкумларни **ижтимоийлашувида** фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

*Бешинчидан*, таълим тарбия билан чамбарчас боғлиқдир, билим қанчалик мустаҳкам бўлса, маҳкумнинг дунёқараши, интеллектуал салоҳияти шунчалик ривожланади ва камол топади. Ҳозирги кунда маҳкумларнинг ўзлари танлаган касблари учун зарур бўлган ахборот, информацион саводхонлик даражасини билиши жамиятга тезроқ мослашувида муҳим омил ҳисобланади.

Маҳкумлар қизиқиши ва таклифларини кўриб чиқиб, ушбу **мавзуларда турли семинар ва кўрик-танловларни** ташкил этиш мазкур тадбирларга давлат ва нодавлат ташкилотларнинг иштирокини ҳам таъминлаш лозим.

Хулоса ўрнида, пробация назорати остидаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш орқали уларни ахлоқан тузатишга, қайта жиноят содир этишини олдини олишга, маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилишда ўз ифодасини топади.

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 февралдаги “Ички ишлар органлари пробация хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 84-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/4735981> (электрон манбага мурожаат қилинган вақт 03.04.2024).

### ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Халилов Д., Омирбаев Е. Пробация хизматининг назоратидаги шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик фаолияти //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. 8. – С. 36-40.
2. Халилов Д., Иброхимов А. Озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг умумий таълим ва касб-ҳунар ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари //Наука и технология в современном мире. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 389-396.
3. Халилов Д. А. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашуви //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 9. – С. 12-15.
4. Халилов Д. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш институтининг ривожланиш тарихий босқичлари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 5. – С. 226-232.
5. Халилов Д. Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш фаолиятида очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 72-74.